



NUU 2018

International Conference
October 4-8, 2018

**MODERN LINGUISTICS,
TRANSLATOLOGY,
LINGUODIDACTICS**



National University
of Uzbekistan
named after
Mirzo Ulugbek

TASHKENT



WWW.ML.MAIN.UZ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
Хорижий Филология Факультети

Иंगлиз Филологияси ва Қиёсий Тилшунослик кафедралари
Ўзбекистон миллий университети 100 йиллигига бағишланади

ЛИНГВИСТИКА, ТАРЖИМАШУНОСЛИК, ЛИНГВОДИДАКТИКА

Хаттасаро илмий аюкжуман материаллари тўплами

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА
Факультет Зарубежной Филологии

Кафедры Английской Филологии и Сравнительного Языкознания

посвящается к столетию Национального Университета Узбекистана

ЛИНГВИСТИКА, ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЕ, ЛИНГВОДИДАКТИКА

Сборник материалов международной научной конференции

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN
Faculty of Foreign Philology

Departments of English Philology and Comparative Linguistics

Devoted to the 100th anniversary of National University of Uzbekistan

27. <i>Ibragimov I.T.</i> Ijtimoiy-siyosiy matnlar tarjimasining nazariy asoslari	98
28. <i>Имяминова Ш.С., Ачилова Н.М.</i> Фразеологизмлар таржимасида эквивалент танлаш муаммоси	102
29. <i>Иплина А.А.</i> Особенности перевода стихотворений Абдуллы Арипова на английский язык	106
30. <i>Kalinin A.Y.</i> Multimodality in audiovisual media interpreting	111
31. <i>Маҳмудова С.И.</i> Бадий матн таржимаси: муаммо ва ютуқлар	116
32. <i>Муҳаммадиева Д.</i> «Бобурнома»нинг туркияда ўрганилиши	119
33. <i>Odilova G.K.</i> Historical reality: gluttonic discourse and problem of translatability	123
34. <i>Рамазанова Ш.Р.</i> Классификация реалий художественного перевода	128
35. <i>Рахимова Г.</i> Насрий асарлар таржимасида болалар руҳияти масаласи	133
36. <i>Рахимова Ш.</i> Вилки Коллинз ижодида афоризмлар ва уларнинг ўзбек тилига таржималари	136
37. <i>Сабирова Н.</i> Ўзбек шоирлари ижодида Шекспир асарларининг талқини	140
38. <i>Турсунова Д.</i> Проблемы и особенности перевода художественного текста с китайского на узбекский язык	144
39. <i>Hakimova M.</i> Translation universals	146
40. <i>Хайатова З.</i> Charlz Dikkens qalamiga mansub "Oliver Twist" asarining ingliz, rus, koreys va o'zbek tillaridagi tarjimalarining qiyosiy o'rganilishi	157
41. <i>Хошимхуджаева М.М.</i> Приоритеты создание электронного словаря названий растений	160
42. <i>Wegmarshaus G.R.</i> Romanticism versus rationalism: Herder and Humboldt on the relationship of thought and language	164

LINGUODIDACTICS

43. <i>Abdulkadirova K.A.</i> The role of the teachers within a community	
---	--

риволуциянинг, кўпроқ мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши – Тошкент шаҳри, 2017 йил 12 январь. Тошкент окшоми газетаси, 9-сон.

2. Каримов.И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч. -Тошкент, 2008, 83-бет.

«БОБУРНОМА»НИНГ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ

Дилафруз Муҳаммадиева

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

Abstract. In this article there were shown the features of the translations Zahiriddin Muhammad Babur's works such as "Baburname". In Turkey, it was given scientific value to the investigations which were done about works of Bobur.

Туркияда Бобур асарлари ичида энг кўп тадқиқ этилгани, шубҳасиз, «Бобурнома» ҳисобланади. Асарни турк тилига профессор Рашид Раҳмати Арат «Vekaui» (Бобур хотироти) деган ном билан 1943-46-йилларда 2 жилд ҳолида нашр эттирган [1]. Таржимон асарнинг туркча нашрини яратишда 1857 йилда Н.Ильминский томонидан эълон қилинган Қозон босмаси (Кир кўлёмаси) ҳамда 1905 йилда А.Бевериж томонидан эълон қилинган Лондон нашри (Ҳайдаробод кўлёмаси) дан фойдаланган.

Таржимада мукаммал луғат, қиска изоҳ ҳамда Бобур шажараси схемаси ўзига хос тарзда акс эттирилди. «Vekaui»дан ўрин олган сўзлик, изоҳ ва кўрсаткичлар, кейинроқ ўзбек тилида «Бобур асарлари луғати»нинг (тузувчи Ҳ.Назарова) вужудга келишида аҳамиятли бўлди. Бирок олиб борган матний-киёсий таҳлилимизга кўра асарнинг туркча матнида киши исмлари, жўгрофий номлар кўрсаткичи, айниқса, Бобур Мирзонинг фармонлари тўлалигич келтирилмаган. 914 (1509) йил воқеалари ҳам тамомланмай қолган. Шунда кейинги 10-11 йиллик воқеалар ҳам йўқ.

Р.Арат «Бобурнома»ни таржима қилар экан, уни аввал чуқур идрок қилди. Уш ҳам аввал асарни ўқиб, долзарб аҳамият касб этишини таъкидлайди. Уш ҳам аввал асарни ўқиб, тушуниб, сўнгра таржимага киришганини ёлди. Р.Арат фикрига кўра «Бобурнома» таржимасида энг муҳим жиҳат асар кўлэмасини имкон қадар чуқур ўрганиш, шулар асосида аввал унинг коралама илмий матни тайёрлаш матн ҳар жиҳатдан тўғри эканлигини амин бўлгандан сўнгра напсрдан чиқариш керак. Бирок, вақт тизлиги боис, тўғриси, турк тарихи жамиятининг таржимани тезроқ напср эттиришга бўлган талаби эвазига «Бобурнома» таржимасида ушбу муҳим жиҳатларга кам эътибор қаратилган.

«Бобурнома» таржимаси сўзбоши муаллифи турк олими Ҳ.Бойир ёлди. «Илк бора форс тилига ва бир қанча Европа тилларига таржима қилинган асарнинг турк тилига ўгирилмаганлиги катта камчилик эди. Тарих жамиятининг ташаббуси билан Р.Арат бу камчиликни бартараф этди. Р.Арат асар таржиманинг қийинчиликларини айтар экан, таржимада йўл кўйилган камчиликларини ўзи асослаб кўрсатади. Лекин ишончимиз, комилки, турк тилларига таржима қилинган бу асар бизнинг тилимизга энг мукамал напср ўгирилмаган бўлса-да, шунга жуда яқиндир ва бундан ортиги бўлмайди экан. Бизнингча, Р.Арат томонидан амалга оширилган ушбу таржима мен кўра французча ва инглизча таржималардан анча устундир» [1].

«Бобурнома»нинг туркча таржимаси ҳақида илк маълумотлар айта адабиётшунос олим Ҳ.Болтабоев таржиманинг зарурлиги хусусида шундай ёзади: «Таржима Туркия жумҳуриятида напср қилингунга қадар ҳеч қайси турк халқларнинг кўлида «Бобурнома»нинг тўла матни оммавий напсрда йўқ эди. Кўлэма, тошбосма ва литография усулида тарқалган нусхаларда хато ва нуқсонлар сероб бўлиб, улар асар ҳақида янглиш тасаввур бериши мумкин эди. Бобурнинг ўз тилидаги напсри ҳам унинг ватанида қарийб бу таржимадан сакка йил кейин амалга оширилди. «Бобурнома»нинг ўзбекча напсрида кўплаб форс ва арабий ифодалар, эскирган сўзлар мавжуд бўлиб, буни барча турк халқларнинг шу кунги ўқувчиларининг тушуниши қийин эди, шунинг учун бу напср турк дунёси учун катта ёрдам бўлди»[2].

Дарҳақиқат, таржима туркий халқлар, шу жумладан ўзбеклар ўш ҳам ўз даврида асар тушунилишини енгиллаштирди. Туркий халқлар ихтиёри тили содда, усули тўқис ва равон асар пайдо бўлди. Масалан: «Жануб тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, васатта воқеъ бўлубер Фарғона вилоятининг пойтахтидур». Турк тилида «Андижон, жануб тарафиндаки қасабалариндан бири ўлур, ўртададир ва Фарғона вилоятининг пойтахтидир» [3].

«Бобурнома»нинг туркчада таржима этилиши Туркияда асарни ҳар бир соҳа кесимида илмий ўрганишга асос бўлди. Бу борада катор номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ёзилишига тurtки бўлди. Масалан, Масъуд Шеннинг ««Бобурнома»нинг Қобул ва Ҳиндистон бўлимлари» мавзусида ёзган диссертацияси (1993) [4], Меҳмет Тургутнинг ««Бобурнома»да хайвонлар ва овчилик» номли илмий монографияси (2008) [5], Мурод Юрдакўкнинг ««Бобурнома»да тиббий билимлар» ҳақидаги тадқиқоти (2008) [6], Неъмат Жейланнинг «Бобур асарларида кўшма сўзлар» номли монографияси (2009) [7], Хусайн Байдемирнинг ««Бобурнома»да фольклоризм ва этнография унсурлари» мавзусидаги тадқиқотлари (2010) [8] шулар жумласидандир.

Турк олими М.Шен томонидан 1993 йилда ёзилган 318 бетлик докторлик диссертацияга асосий манба этиб «Бобурнома»нинг Қобул ҳамда Ҳиндистон бўлимлари олинган. Тадқиқотнинг кириш қисмида асарнинг ўзига хос хусусияти ва тузилиши ҳақида сўз юритилган. Асарнинг номланиши ҳақида турли манбалардан маълумотлар келтириб, улар таҳлилга тортилган. Кириш қисмидан сўнг Қобул ва Ҳиндистон бўлимларининг транскрипцияли матни берилган. Тадқиқотнинг охириги бўлимида изоҳлар қисми ўрин олган. Булардан ташқари асар таржималари ва асар билан боғлиқ библиография ҳам тақдим этилади.

Турк адабиётида «Бобурнома»ни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган яна бир илмий иш М.Тургутнинг ««Бобурнома»да хайвонлар ва овчилик» деб номланган монографиясидир (2008). Унда «Бобурнома»да келтирилган хайвонот олами ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига кенг изоҳ берилади. Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкасига оид Бобур тилга олган жонзодлар таснифи келтирилади. Монографиясида «Бобурнома»да жами 147 та хайвон номи борлиги айтилади.

Хўжаттепа университети тиббиёт факультети педиатри, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мурад Юрдакўкнинг «Бобурнома»нинг илмий тадқиқ этилишига кўшган ҳиссаси «Бобуршоҳнинг (1483-1530) буюк асари «Бобурнома»да тиббий билимлар» номли (2010) тадқиқоти билан ўлчанади. У ёзади: «Бобурнинг энг таниқли асари «Вақое» номи билан машҳур бўлган «Бобурнома» асаридир. Чиғотой туркчаси ила ёзилган ушбу асарда Бобур ўз ҳаётини, тушунчаларини, можароларини самимий ва очик бир тилда ифода этган».

Ҳ.Байдемир ўзининг кўп йиллик илмий фаолиятини ўзбек адабиётини ўрганишга бахшида этган олим. У ўзбек халқ оғзаки ижодини чуқур тушуна олган етук фольклоршунос. Унинг ўзбек адабиётига доир элликта яқин яратган асарлари бунга гувоҳлик беради. ««Бобурнома»да фольклоризм ва этнография

ёшюрларини мантулдаги илмий тадқиқоти (2010) унинг бобуршунослик соҳасида амалга оширган иши саналади. Бу тадқиқотда ўзбек, афғон, ва хинд халқлари маданиятига ҳис, турли хил урф-одатлар, анъана ва қадриятлар ҳақида турк тилидаги адабиётининг ёрдамида таҳлил этилади. Шунингдек «Бобурнома»да халқ эътиқоди тушунчаси, маҳалла-қўй, касаб-қилмчиликнинг тарқалиши, байрам, тўй, аза маросимлари ва халқ оғриқ-номи-ларининг изохланиши, байрам, тўй, аза маросимлари ва халқ оғриқ-номи-ларининг ифода этилиши ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар илмий тадқиқот қилинади.

Туркияда Бобур Мирзо асарларининг ўрганилиши йўлидаги халқ билан тадқиқот Чукурова университети Сиёсий билимлар факультети Турк тили ва адабиёти бўлими олими Неймат Жейланга тегишлидир. Унинг «Бобур асарлари тилига доир 418 саҳифадан иборат, жами ўн та бўлимни ўз ичига олган илмий асари «Бобур асарларида қўшма сўзлар» деб номланган.

Н.Жейлан тадқиқотининг асосий манбалари «Бобурнома»(2000), «Мубаййин»(2004), «Бобур девони»(1995) ва «Рисолайи волидия»(2000) таржима-нашрлари ҳисобланади. Тадқиқотда ҳар бир қўшма сўзнинг асардаги аъёнлари аниқ кўрсатилади.

Буюк асар «Бобурнома» борасида турк олимлари томонидан амалга оширилган бу каби ишлар шоир ижодининг турк адабиётида нечоғлик ўрганилиб келинаётганлигини кўрсатади. Асар ҳақидаги бундай изланишларнинг аксарияти эса бобуршунослик соҳасида янгилик ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Arat R.R Vekayi (Babur'un Hatıratı) 2 жылд. Ankara, 1943-1946.
2. Болтабоев Х. «Бобурнома»нинг туркча таржимаси, Мумтоз ёр қадри, Т., 2004. -179-182 бет.
3. Захириддин Муҳаммад Бобур, «Бобурнома» (П.Шамсиев, С.Мирзо ва Э.Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов)
4. Mesut ŞEN, Gazi Zahirüddin Muhammed Babur- Baburname, Güneş Metin (Kabil ve Hindistan bölümleri)-Açıklamalı Dizin, İstanbul 1993. (Marmara Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü, basılmamış doktora tezi). 318 бетлик.
5. Mehmet Turgut Berbercan, Babur'un Hatıratında Geçen Hayvan Adları ve bunların Türk Dili Açısından Değerlendirilmesi, İÜ Sosyal Bil. Enst. Türk Dil ve Edebiyatı Anabilim Dalı, Yüksek Lisans tezi, İstanbul 2008.
6. Мурат Юрдакўк «Бобуршах асарида тиббиётга оид билгилар» Чуқур ақли ва ясталиклари Дергиси С. 50, 73-77.
7. Nimet Ceylan, Gazi Zahirüddin Muhammed Bâbur Mirza eserinde İnkılaplar Adana, 2009.